

# Мундарижа

## Назария ва амалиёт

Равшан ИСАЕВ.  
Тўқимачилик саноати корхоналарида интеграллашган  
комплекс тизимли стратегияни амалга ошириш  
методологияси

3

## Рақобатбардошлик – давр талаби

Мавлуда ИРИСБЕКОВА, Вазира НАЗАРОВА.  
Транспорт логистик хизматлар бозорида рақобат  
устуналиклари услубини такомиллаштириш

7

## Тараққиёт мезони

Ойбек МАМАНАЗАРОВ, Дурдона ИНОЯТОВА,  
Равшан ХАЛИЛОВ.  
Қурилишда сифатни бошқариш

10

## Нуқтаи назар

Акмал ВАЛИЖОНОВ.  
Корхоналарни ислоҳ қилишнинг назарий асослари

12

## Жамият

Бекзод МАМАРАХИМОВ.  
Ишчи кучи қийматини белгиловчи  
омилларнинг икки томонламалиги

14

## Илғор тажрибалар

Зокир САМАТОВ, Лазизбек САМАТОВ.  
Олий таълим ва ишлаб чиқариш  
корхоналари ўртасидаги инновацион ҳамкорлик  
йўналишлари

17

## Технологиялар

Зилола ЖўРАЕВА. Иқтисодиётни рақамлаштириш  
шароитида инсон  
капиталини бошқаришнинг айрим жиҳатлари

20

## Таdqиқот

Мохичехра БОЛТАЕВА.  
Бухоро вилоятининг туристик салоҳияти ва  
уни ошириш йўллари

23

## Амалиёт

Муборак АШУРОВА.  
Кичик инновацион бизнесни ривожлантириш орқали  
миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш  
масалалари

26

## Иқтисодиётнинг муҳим тармоғи

Саида ЮЛДАШЕВА.  
Озиқ-овқат саноатида таркибий ўзгаришларни  
амалга оширишнинг устувор йўналишлари

29

## Таълим тизимидаги муаммолар

Нарзило РУСТАМОВ.  
Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инсон  
капиталидан самарали фойдаланиш йўллари

32

## Истиқболли лойиҳалар

Ғолибжон МАХМАТҚУЛОВ. Савдо хизмат кўрсатиш  
соҳасининг ривожланишида  
рақамлаштиришнинг аҳамияти

36

## Самарадорлик

Равшанбек ХОЖИМАТОВ.  
Наманган вилоятида пиллачилик кластерини  
ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар

42

## Инновация

Бахтиёр БОРАТОВ.  
Тўқимачилик корхоналарида мукаммаллашган  
модель ишлаш алгоритмини яратиш

46

## Муаммо ва ечим

Малоҳат БЎРИХАДЖАЕВА.  
Коронавирус пандемияси шароитида  
Ўзбекистон Республикаси транспорт  
соҳасини ривожлантириш истиқболлари

49

## Нигоҳ

Меҳрож ХАМРОЕВ.  
Сўғуртада қарорлар қабул қилишнинг  
компьютерлашган скоринг тизимини жорий этиш

52

## Молия муассасаларида

Қаҳрамон ПЎЛАТОВ.  
Тижорат банклариининг чакана хизматлар  
амалиётини такомиллаштириш

55

## Таҳли

Заҳриддин УСЎБЖОНОВ.  
Наманган вилоятида қурилиш  
материаллари бозорининг ривожланиши

59

# Содержание

## Лизинговое финансирование

Алия АХМЕДИЕВА.  
Лизинг как инструмент государственной политики

64

## Цифровая экономика

Алишер НАЖМИТДИНОВ.  
Роль цифровых технологий в повышении  
квалификации персонала в Республике Узбекистан

71

## Территориальное развитие

Елена АХУНОВА.  
Территориальные показатели развития домашних  
хозяйств в Республике Узбекистан

75

## Развитие трудовых ресурсов

Дилбар КАСЫМОВА.  
Совершенствование интеллектуализации  
трудовой деятельности для качественного  
развития рынка труда

80

## Energy security

Gulchekhra NIGMATULLAEVA.  
Foreign experience in ensuring the safety  
of the power industry

85

**ТАҲРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ**

**ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА**

**Фармонкул ЭГАМБЕРДИЕВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

**Қаландар АБДУРАҲМОНОВ**

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

**ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА**

**Z. Kliment LAZARASHVILI (Климент ЛАЗАРАШВИЛИ), MBA, JD, PhD.**

Georgian international University президенти (АҚШ)

Президент Georgian international University (США)

**Gerhard FELDMAYER (Герхард ФЕЛДМАЙЕР)**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Германия)

доктор экономических наук, профессор (Германия)

**Masato HIWATARI (Масато ХИВАТАРИ)**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Япония)

доктор экономических наук, профессор (Япония)

**Sung Dong KI (Сунг Донг КИ)**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Корея Республикаси)

доктор экономических наук, профессор (Республика Корея)

**Нагмет АИМБЕТОВ**

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

**Юрий ОДЕГОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

доктор экономических наук, профессор (Россия)

**Игорь БУТИКОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

**Мухиддин КАЛОНОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори,

доктор экономических наук

**Абдурашид ҚОДИРОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

**Адҳам БЕКМУРОДОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

**Мухиддин ПЎЛАТОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори

доктор экономических наук

**Дурбек АХМЕДОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

**Бахтиёр ИСЛОМОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

**Баҳодир УМУРЗАКОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

# Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида инсон капиталини бошқаришнинг айрим жиҳатлари

## Некоторые аспекты управления человеческим капиталом в условиях цифровизации экономики

### Some aspects of human capital management in the conditions of digitization of the economy

Зилола ЖЎРАЕВА,  
БухДУ катта ўқитувчиси.

#### Аннотация

Мақолада иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида инсон капиталини ривожлантиришнинг объектив аҳамияти ёритилган. Инсон капиталини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва омиллари тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада инсон капиталини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари кўрсатилган.

В статье подчеркивается объективная важность развития человеческого капитала в условиях цифровизации экономики. Изучены особенности и факторы развития человеческого капитала. В статье также обозначены приоритеты развития человеческого капитала.

The article highlights the objective importance of human capital development in the context of digitalization of the economy. Specific features and factors of human capital development are studied. The article also outlines the priorities for human capital development.

Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида рақамли технологияларнинг аҳамияти мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ривожлантириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда пировардида эса аҳоли турмуш сифати ва фаровонлигини оширишда яққол кўзга ташланмоқда.

Дунёда рақамли иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари деярли 15 фоизни ташкил этади. Тараққий этган давлатларда рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 7 фоизга етган. Улар ҳозирнинг ўзида рақамли иқтисодиётни жорий қилинишидан катта фойда кўришмоқда. Жумладан, АҚШ йилига 400 миллиард АҚШ долларида кўпроқ миқдордаги рақамли хизматларни экспорт қилмоқда. 2025 йилгача АҚШ саноат соҳасини рақамлаштиришдан

кўшимча 20 трлн. доллар даромад олиши кутилмоқда [1].

Иқтисодиётни трансформациялашнинг ҳозирги босқичида ҳар қандай давлатнинг инновацион тараққиётдаги муваффақияти кўп жиҳатдан унинг инновациялар соҳасида давлат сиёсатини нечоғлиқ самарали олиб бориши ҳамда инсон капиталини сифатли шакллантиришига боғлиқ.

Шу сабабли, инсон капиталини ривожлантириш иқтисодий тараққиётнинг асосий омили сифатида юзага чиқиши шарт эканлиги кўринмоқда. Бугунги кунда иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда миллий бойликдаги инсон капитали улуши 80 фоизни ташкил этмоқда. Шу жиҳатдан, жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларида инсон капиталини

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, трансформация, капитал, инсон капитали, фан ва таълим, модернизация, инновация.

ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Рақамлаштириш таълим, бизнес ва жамият соҳаларининг технологик, инсоний, инновацион ресурсларини бирлаштиради, интеграция қилади ҳамда синтез қилади. Натижада, таълим хизматларининг инновацион шакллари пайдо бўлади, уларни бутун умри мобайнида ўз инсон капиталини тақомиллаштириб, бутун меҳнат фаолияти давомида олиш мумкин. Экспертларнинг баҳолашича, таълим бозорининг рақамли қисми барқарор ўсиб бориш билан ифодаланади ва 2023 йилга келиб, ўртача йиллик 17 фоизга ўсганда қарийб 240 млрд. долларни ташкил этади [3].

Инсон капиталининг жамият ижтимоий-иқтисодий ривождаги роли бугунги кунда мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгиланган ҳолда, аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши ва барқарор тараққиётни таъминлашга, иқтисодий ўсишга, миллий ўзига хосликларга, инсоннинг самарали фаолият кўрсатиши ва ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариши учун яратилган шарт-шароитларга асосланиши дунёдаги илмий тадқиқотларнинг энг муҳим йўналишларидан биридир [2].

Инсон капитали – бу ҳозирги замондаги кишининг ўз жисмоний кучи ва саломатлигидан, билимлари, профессионал малака кўникмаларидан, маънавий-ахлоқий принципларидан ҳамда оилада таълим ва тарбия олиш жараёнида шаклланган ижтимоий алоқалардан фойдаланиб, жамият учун фойдали маҳсулот яратиш, ана шундай фаолият билан шуғулланиш имкониятлари ва қобилиятлари моҳиятининг тизими ифодасидир.

Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробар ошириш белгиланган. Ушбу мақсадга эришишда рақамли иқтисодиёт механизмларига муҳим аҳамият берилмоқда. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” лойиҳасини амалга ошириш инсон капиталидан фойдаланиш муаммосини ҳал этишга олиб келади ва мамлакатимиз учун рақамли кадрлар платформасини яратиш имконини беради.

Илмий адабиётларда қайд этилишича, инсон капитали бу – ҳар бир кишининг захирадаги билим ва малакаларидир. Таълим, профессионал тажриба тўплаш, соғлиқни муҳофаза қилиш, ахборотларни тўплаш инсон капиталининг инвестициясидир (манбаидир). Бундай инвестициялар номоддий аҳамиятга эга бўлиб, инсон капиталини шакллантирувчи воситалар ҳисобланади. Инсон капиталини

шакллантирувчи воситалар бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

- таълим;
- фан;
- соғлиқни сақлаш;
- маданият ва санъат ва бошқалар.

Профессор Г.Абдурахманованинг таъкидлашича, инсон капитали тор маънода – бу инсоннинг интеллекти, соғлиғи, билими, сифатли ва унумли меҳнати ҳамда унинг турмуш сифатидир. Кенг маънода инсон капитали – бу иқтисодий ривожланишнинг интенсив ишлаб чиқариш омили, жамият ва оилани ривожлантириш, меҳнат ресурсларининг билимли қисми, интеллектуал ва бошқарув меҳнати, яшаш ва иш жойи муҳитидир. Улар инсон капиталини ривожлантиришнинг ишлаб чиқариш омили сифатида самарали ва оқилона амал қилишини таъминлаши керак.


Ушбу маълумотлардан кўриниб турганидек, мамлакатимизда 2006 йилда индекснинг аҳамияти 0,63 ни ташкил этган. Бироқ, кейинги йилларда инсон салоҳиятининг ривожланиш индексининг ортиб бориш тенденцияси кузатилди, жумладан, 2019 йилда 0,71 ни ташкил этмоқда. Бу мамлакатимизда инсон капитали сифати ошганлиги, Ўзбекистон Республикаси бу борада 105-ўринни эгаллаб, инсоний ривожланиш даражаси юқори бўлган мамлакатлар қаторига кирганлигидан далолат беради.

Инсон капитали инсонга даромад келтирувчи қобилияти эканлигини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатлар инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Инсон капитали мамлакат иқтисодий ўсиш суръатларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади. Бундан ташқари инсон капитали мамлакат рақобатбардошлик даражасини ҳам ўзида мужассамлаштиради.

Ушбу мавзу доирасида амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

– техника ва технологияларнинг жадал ривожланиши билан ҳозирги инсоният тобора кўпроқ жамият камолотининг маҳсулига айланиб боради, бу эса инсон капиталини, унинг манбалари тузилиши ва атроф муҳитга таъсирини шакллантириш ҳамда ривожлантириш нуқтаи назаридан илмий тадқиқотлар вазифасини мураккаблаштириб боради;

– рақамли технологиялар таъсири остида ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгариши, шубҳасиз,



**1-чизма. Ўзбекистонда 2006-2019 йилларда инсон капиталининг ривожланиш индекси динамикаси [4].**

инсоннинг ўзига хос қобилияти ва шахсий хислатларининг ўзгаришига олиб келади, бу эса келажакда касблар тузилишида чинакам аксини топади ва меҳнат бозори конъюнктураси ҳолатига таъсир этади;

– инсон капитали ўзгариши ва касбий талаблар унификацияланиши кўлами жамият янада прогрессив ҳолатга ўтишининг долзарб ва таъсирли воситалари сифатида жамият институтлари институционал тузилмасининг янги типи ривожланиши билан изоҳланади.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий тараққи-

ётнинг ҳозирги босқичида инсон капиталини ривожлантириш, инсон капиталига инвестиция киритиш жараёнларини тезлаштириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, инсон капиталига ажратилаётган харажатлар кўлами ва сифатини юқорилиги фан сиғимкорлиги юқори бўлган техник-технологик соҳаларни ривожлантиришга эришилади. Шунингдек, инновацион фаолият даражаси ҳам юқори бўлиб, ишлаб чиқариш соҳасида технологик қуролланганлик даражаси баланд ҳамда ҳодимларнинг ҳам профессионаллик даражалари ижобий кўрсаткичга эга ҳисобланади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рахмонов Л.Т. Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. Т.: 2020 й. 62 б.
2. Магруппов А.Ю. Рақамли иқтисодиёт шароитида инсон капиталини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий омиллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. Т.: 2020 й. 63 б.
3. Дятлов С.А., Ханхунова А.Ю. Особенности трансформации системы воспроизводства человеческого капитала в цифровой экономике // Известия СПбГЭУ. 2019. №2 (116).
4. <http://hdr.undp.org/en/content/human-development-indices-indicators-2018-statistical-update>

# Бухоро вилоятининг туристик салоҳияти ва уни ошириш йўллари

## Туристический потенциал Бухарской области и пути его увеличения

### Tourist potential of Bukhara region and the ways to its increase

Мохичехра БОЛТАЕВА,  
БухДУ катта ўқитувчиси.

#### Аннотация

Мақолада иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида стратегик тармоқлардан ҳисобланган туризм соҳасини ривожлантиришнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Бухоро вилоятининг туристик салоҳияти ҳамда туризмнинг ривожланиш динамикаси ўрганилган. Шунингдек, мақолада туризмнинг ривожланишига таъсир қилувчи минтақадаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари кўрсатилган.

В статье освещены важность и специфика развития туризма, являющегося одним из стратегических секторов на современном этапе развития экономики. Изучен туристический потенциал Бухарской области и динамика развития туризма. В статье также показаны проблемы региона, влияющие на развитие туризма, и пути их решения.

The article highlights the importance and specifics of the development of tourism, which is one of the strategic sectors at the current stage of economic development. The tourist potential of Bukhara region and the dynamics of tourism development are studied. The article also shows the problems in the region that affect the development of tourism and ways to solve them.

Бугунги кунда туризм жаҳондаги энг кўп фойда келтирувчи бизнес турларидан бири бўлиб, у бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми ва дунёнинг кўпгина мамлакатларида шиддат билан ривожланиб бораётган стратегик тармоққа айланиб улгурди. Мамлакатимизда ҳам туризм иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бири ҳисобланиб, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Миллий иқтисодиёт таркибида туризм соҳасининг ривожланиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, булар қуйидагилардан иборатдир:

- туризм соҳаси сайёҳларнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган кўп қиррали функционал тузилмага эга мураккаб тизим ҳисобланади, шунингдек, хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган ўзига хос шакл ва усуллари қамраб олади;
- туризм бозорида туристлар учун ўзига хос

бўлган туристик маҳсулот таклиф этилади. Туристик маҳсулот комплекс тавсифга эга бўлиб, сайёҳат давомида вужудга келадиган талабни қондириш учун зарурий хизматларнинг “пакети” шаклида намоен бўлади;

- туризм соҳасининг моддий ишлаб чиқаришдан асосий фарқи, туристик хизматларни кўрсатиш бўйича пировард натижаларга эришиш бевосита истеъмолчининг иштирокида юзга келиши ҳамда истеъмол жараёнининг бевосита туристик ресурслар мавжуд жойда амалга оширилиши ҳисобланади;

- туристик хизматларга бўлган талабнинг бозор конъюнктурасига нисбатан ижтимоий-иқтисодий муҳит ўзгаришига юқори таъсирчанликка эга эканлиги. Бунда туризм соҳасида кўрсатиладиган хизматлар хавфсизлиги ўзига хос аҳамиятга эга бўлади.

Бутунжаҳон туристик ташкилоти (UNWTO) бош котиби Зураб Пололикашвилининг

**Калит сўзлар:** иқтисодий тараққиёт, туризм, туризм хизматлари бозори, туристик салоҳият, инфраструктура, инвестиция, туристик муҳит жозибadorлиги.

# Biznes-Эксперт

ИҚТИСОДИЙ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОЙЛИК НАШР

ЭКОНОМИЧЕСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

2021 йил, 5 (161)-сон.  
2008 йил январдан чоп этилмоқда.  
Муассис: “Бизнес-Daily Медиа” Ноширлик уйи МЧЖ.

№ 5 (161), 2021 года.  
Издается с января 2008 года.  
Учредитель: ООО Издательский дом “Бизнес-Daily Медиа”.

Таҳририят:  
Бош муҳаррир — А. Ибрагимов.  
Мусахҳих — М. Мусулмонкулова.  
Дизайнер-саҳифаловчи — А. Хатамов.

Редакция:  
Главный редактор — А. Ибрагимов.  
Корректор — М.Г. Супонова.  
Дизайнер-верстальщик — А.Хатамов.

Таҳририят манзили:  
100000, Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 6.  
Тел.: (+998 71) 259-21-96.  
Факс: (+998 71) 259-21-97, 259-22-06.  
E-mail: info@biznes-daily.uz

Адрес редакции:  
100000, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 6.  
Тел.: (+998 71) 259-21-96.  
Факс: (+998 71) 259-21-97, 259-22-06.  
E-mail: info@biznes-daily.uz

Журнал Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда қайта рўйхатга олинган. 0507-сонли гувоҳнома.

Журнал перерегистрирован в Агентстве по печати и информации Республики Узбекистан 12 апреля 2013 года. Регистрационное свидетельство № 0507.

Журналнинг “Matbuot tarqatuvchi” АК  
обуна каталогидаги юридик ва жисмоний  
шахслар учун индекси — 1169.

Подписной индекс журнала в каталоге  
АК “Matbuot tarqatuvchi” для юридических  
и физических лиц — 1169.

Бичими 60X84 1/8 (4 б.т.). Адади 500.  
Чоп этишга 30.05.2021 йилда рухсат этилди.  
“VneshinvestProm» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
23-сонли буюртма. Манзил: Тошкент ш.,  
Навоий кўчаси, 30-уй.

Формат 60X84 1/8 (усл. печ. лист 4). Тираж 500.  
Подписано в печать 30.05.2021 г.  
Отпечатано в типографии  
ООО «VneshinvestProm».  
Заказ 23. Адрес: г. Ташкент, ул. Навои, 30.

Бир ойда бир марта чиқади. Баҳоси келишилган нархда.  
“Biznes-Эксперт” журналидан кўчириб босиш фақат таҳри-  
риятнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади.

Выходит один раз в месяц. Цена договорная.

Таҳририят фикри муаллифлар фикрига мос келмаслиги  
мумкин.

Перепечатка материалов “Biznes-Эксперт” допускается  
только с письменного разрешения редакции.

Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов.

Юборилган қўлёзмалар рецензия қилинмайди ва қайтариб  
берилмайди.  
Мақолалардаги факт ва рақамларнинг ҳаққонийлиги  
муаллиф шахсан масъул.

Присланные рукописи не рецензируются и  
не возвращаются.  
Авторы несут персональную ответственность за  
достоверность фактов, содержащихся в публикациях.

Реклама мазмунига реклама берувчи жавобгар.

Ответственность за содержание рекламы несет  
рекламодатель.